

МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ РОЛИ

Раматов Ж.С.

*Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудури*

Умарова Р.Ш

*Тошкент давлат транспорт университетининг
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

Баратов Р.Ў.

*Тошкент давлат транспорт университетининг
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

Султонов С.Х

*Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи*

Хасанов М.Н

*Тошкент давлат транспорт университетининг
“Ижтимоий фанлар” ўқитувчи*

Ўзбекистон юрти азалдан илм-у маърифат, адабиёт ва санъат равнақ топган макон. Бу юрт аҳли ана шу маънавий манбалардан куч-қувват, рағбат олиб, илҳомланиб, яратувчанлик, бунёдкорлик, гўзаллик, эзгулик каби фазилатларни ўзида мужассам этган ҳолда юксалиш ва тараққиёт йўлидан дадил, шахдам қадам ташлаб келмоқда. Булар миллий байрамнинг мавзу ва ғоясида яққол кўзга ташланади. Миллий байрам тадбирлари учун танлаб олинган куй, кўшиқ-яллар, айниқса дилбар ва мафтункор рақслар каби санъат турлари тантананинг ҳар дақиқасини, безаб, турмуш тарзимизни янада мазмундор, фаравон бўлишида илҳомбахш манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик бизга унутилган қадриятларимизни қайта тиклаш, миллий байрамларимиз тарихини ўрганиш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, ёш авлод қалбида мумтоз санъат турларига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, ёш авлодни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялаш имкониятини берди. Шулардан келиб чиқиб, миллий байрамларнинг шахс бадиий-эстетик тарбиясидаги аҳамиятини алоҳида тадқиқ этиш зарурати туғилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда анъанага айланиб қолган ва ҳар йили Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказиладиган “Ўзбекистон-Ватаним маним” Республика кўшиқ байрами ҳам муҳим бадиий-эстетик тарбия тадбири – санъат байрамига айланиб бормоқда. Шу билан бирга ижтимоий-маънавий ҳаётимизга тобора сингиб бораётган, ўзбек халқининг бой мусиқий меросини ва эстетик қадриятларини бутун дунёга намоён қилаётган “Шарқ тароналари” халқаро

музиқа фестивали, “Рақс сеҳри” фестивали, халқаро кино, театр, симфоник музиқа фестиваллари ҳамда “Янги авлод”, “Келажак овози”, “Зулфия” мукофоти совриндорларини тақдирлаш каби анжуманлар ҳам маънавий ҳаётимизнинг таркибий қисми, анъанавий санъат байрамлари сифатида ўз эстетик тамойилларини шакллантириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳамкорликда давлатимиз маънавий тараққиёти ва ривожидида муҳим аҳамият касб этадиган тарихий воқеалар ҳамда саналарга ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан янада ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, уларни байрам сифатида нишонлаш ҳамда юксак бадиий-эстетик тадбир даражасида анъанавий равишда ўтказишга алоҳида эътибор қаратди. Бунинг натижасида юртимизнинг хурсандчилик кунларини ифодаловчи муҳим аҳамият касб этадиган тарихий воқеалар ҳамда саналарни байрам қилиб нишонлаш билан биргаликда моддий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш мақсадида турли хил фестивалларга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб том маънода миллийликни тиклаш мақсадида белгиланган вазифалардан бири сифатида анъанавий кўшиқчиликни, хусусан, мумтоз ашулачиликни ривожлантириш мақсадида мақом санъати бўйича 1995 йилнинг баҳорида халқаро даражада кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон мақом ижрочилари очиқ сахнада маҳоратларини намойиш қилдилар. Мазкур танлов Ўзбекистонда устозлар йўлидан илдам бораётган билимдон ва изланувчан мақомчилар сафи кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу танловда мақом санъати анъанавий равишда ривож топган Бухоро ва Фарғона вилоятлари санъаткорлари айниқса фидоийлик кўрсатдилар. Ушбу танловнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шу бўлдики, танловда одатда яққал ва яққалов ижрочилар беллашувига алоҳида эътибор қаратилар эди, бу танловда эса мақом дасталарининг ижроси ҳам дастурга қиритилиши ижобий самара берди. Хусусан, мазкур танловда консерваториянинг иккита дастаси, Марғилоннинг “Навбахор”, Андижоннинг “Мерос”, Хўжанднинг “Дурдона” дасталари, Бухоро санъат билим юрти, Хоразм, Фарғона ва Тошкент музиқа билим юртларининг ўқувчилари, мақом чолғу дасталари қатнашдилар. Кўрик-танлов мумтоз санъат ижрочиларининг қобилиятларини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшди.

Халқ санъатининг тарихан бадиий ифодасини топган, руҳий ва бадиий имкониятларини ўзида жамлаган музиқа санъати миллатлар ҳаёт тарзини ифодаловчи йўналиш сифатида – “Шарқ тароналари” номли музиқа фестивалини юзага келишига сабаб бўлди. Жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан келган санъаткорларнинг ушбу анжумандаги иштироки – Шарқ мумтоз музиқасини жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюклигидан далолати.

Юртимизнинг Биринчи президенти И.А.Каримов “ Шарқ тароналари” учинчи жаҳон мусиқа фестивали қатнашчиларига йўллаган табригида – “Ушбу фестивал буюк Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга янада кенгрок танитиш, мумтоз тароналардан барча нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга”¹- деб таъкидлаган. Демак, мумтоз байрам санъат тури – мақомга бағишланганиқтидорли ёшларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга қаратилган давлат тадбиридир.

Анжуман дастури доирасида қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Матниёз Девонбеги мадрасасида “Ўзбекистон рақс санъати” суратлар кўргазмаси очилди. Бу кўргазмада миллий рақс тараққиёти жараёнлари, ўзбек рақсларининг ўзига хос хусусиятлари, асосан, мумтоз ва халқ рақси (фольклор) йўналишларида намоён бўлиб, йиллар, асрлар оша бойиб, шаклланиб келаётганлиги тўлақонли намоён қилди. Айниқса” Баҳор”. “Шодлик”, “Лазги”, ”Хоразмрақс” ансамбллари фаолиятидан лавҳалар, Республикаимизнинг Мукаррама Турғунбоева, Қундуз Миркаримова, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Малика Аҳмедова, Маъмура Эргашева, Гавҳар Матёкубова каби машҳур рақс санъати усталарининг суратлари кўргазмадан муносиб ўрин олганлиги ёшларда –эстетик идеал туйғуси шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида турли йўналишлар бўйича фаол иштирокчилар тақдирландилар. Хоразм вилоятидан “Хоразмрақс” ансамбли ижрочиси Мадина Каримова фестивалнинг энг ёш ижрочиси, Хива туманидаги “Сайқал” оилавий ансамбли фольклор ижодиётида халқ анъаналари ва оилавий қадриятларни сақлаш ва тарғиботи, “Хоразм рақс” ансамбли энг ёрқин ижро, Қўшқўпирлик кекса санъаткор Карим ота Қувоқов фестивалнинг энг кекса иштирокчиси, Хоразм вилояти кўғирчоқ театри энг ноёб томоша асари, Хива сопол буюмлари заводи энг ноёб хунармандчилик асари, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Гавҳар Матёкубова конференцияда мавзуни чуқур очиб берганлиги , Урганч шаҳар маданият уйи ходими Мехрибон Отажонова фестивалнинг энг кўркам ижрочиси, Хива карнай-сурнай халқ жамоаси гуруҳи энг ёрқин мусиқа ижроси учун йўналишлари бўйича мукофотландилар.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёш авлоднинг санъат, мусиқа, спорт соҳасидаги истеъдодларни рўёбга чиқаришда муҳим омил ҳисобланади. Биз юқорида кўриб ўтган фикрларда ижодкорларнинг ўз истеъдодларини рўёбга чиқаришда ва қобилиятларини намоён қилишда улардаги фаоллик ҳаракати муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратдик. Фаоллик бугун – бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш каби тушунчаларни илгари сураётганлиги билан қимматли.

¹Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлику учун курашмоқ керак. Т.10. Тошкент:Ўзбекистон, 2002. 25 б.

Бу борада юртимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 март ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида уларни маданият ва санъатга жалб этиш масалаларига урғу берилди. Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис Президент томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус долзарб аҳамият касб этади. Улардан биринчиси, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.² Бундай ташаббус айниқса байрамлар орқали ўз ифодасини топади. А.Носирова – “Байрам ижод мулоқотининг ташаббускорликка мойиллиги, шахснинг ижтимоий-маданий имкониятларини тўла намоён қилиши учун зарур шароитларни яратади”³, деб таъкидлайди. Демак, санъат турларини мақсадли синтезлаштириш хусусияти билан ёшларнинг қизиқишларини ошишига, истеъдодларини юзага чиқариш имкониятини пайдо қилади.

Байрам тадбиридаги иштирокчиларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилишда “индивидуал онг” ва “жамоавий онг” ғоясини ўрнини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнингча, байрамлар намойиши жамоа ҳаётидаги ютуқларнинг энг катта ва таъсирчан тарғиботчисидир. Жамоавий ижод жараёнида иштирокчиларнинг “жамоавий онг”и даражаси байрам тадбирида муҳим роль ўйнайди. Чунки, байрамлар инсон ҳаётидаги энг юксак – орзу, фикр, мақсад ва ғояларни – жонли, таъсирчан, рамзий, бадий яхлит шаклда томошабинларга етказувчи омилдир.

Инсон онги шаклланишининг илк илдизлари моддийлик ва мақсадли интилиш билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. XVIII асрга келиб онгнинг бевосита инсон туйғулари билан боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. З.Фройд фикрича, психика – онг, онгламаганлик ва онг ости каби уч қатламдан ташкил топган. Онгнинг мавжудлиги ижтимоий маданий хусусият касб этиб, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида филогенетик тарзда ривожланган. Умуман олганда бизнинг мавзуимиз доирасида қизиқиш уйғотган тушунчалар мия фаолиятининг маҳсули бўлмиш “индивидуал онг” ва “жамоавий онг”дир.

“Индивидуал онг” – ҳар бир кишининг ўзига хос тарзда, ён-атрофни билиши, сезиши, идрок этиши, қабул қилганларини таҳлил қилиши, тўплаган ижтимоий-тарихий тажрибаларини, яъни ўзлаштирганини кўрсатувчи –

²<https://kun.uz/37450559>

³Носирова А. Байрам шароитида шахс ўйин маданиятини ривожлантириш-педагогик имкониятлари. // Дисс. – Тошкент. 1995. 3-6.

фикрлари, тасаввурлари, ғоялари ва қарашлари кўрсаткичидир.⁴ Индивидуал онг бир томондан айнан бир индивидга тааллуқли бўлса, иккинчи томондан у ижтимоий ҳодисадир. Чунки, индивидуал онгнинг индивидга тааллуқлилиги шундаки, у индивиднинг ички, руҳий-маънавий изланишлари натижасидир. Лекин, индивидуал онг ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида жамоавий ҳаёт тарзи ва аждодлар томонидан яратилган тарихий тажрибаларни ўзлаштириш орқали шаклланади.

Ижтимоий онгнинг яна бир шакли “жамоавий онг” эса кишиларнинг уюшиши асосида – бир хил қарашлар, мақсадли ҳатти-ҳаракатларни юзага келишидан иборат. “Жамоавий онг”нинг яна бир жиҳати умум талаблар асосида шахс ўз-ўзини бошқариш хусусиятига эга эканлигидадир. Бунинг негизида эса жамоавийлик руҳи ётади. Жамоа бўлиб яшаш, аввало, жамоа аъзолари бир-бирининг манфаатини ўйлашни тақозо этади. Ўзгалар манфаатини ўйлаш эса, маънавият орқали таъминланади⁵.

Демак, ҳар қандай жамоа ўз моҳиятига кўра, жамоавийлик туйғусини шакллантириш орқали, жамият учун муҳим қадриятларни ўзида сақлаган байрамларни нишонлаш орқали янги авлодни тарбиялаш воситаси бўлиб келган.

“Индивидуал онг” эса “жамоавий онг”га нисбатан мустақил эканлиги натижасида, ижтимоий-тарихий тажрибалар айнан индивидлар фаолиятининг маҳсули сифатида такомиллашган. Айнан шундай фаол индивидлар “жамоавий онг”нинг турли кўринишларида яратувчи шахс сифатида шаклланади ва ижодкорга айланади.

Шуниси қизиқарлики – “жамоавий руҳ ҳам даҳоёна ижод қилишга қодир, айниқса бунинг тилнинг ўзида, шунингдек, халқ кўшиқлари, фольклор ва бошқаларда кўриш мумкин. Ва бундан ташқари, шоир ўзи яшаётган жамиятдан олинган ижодий туртки учун қанчалик қарздор ҳамда бир вақтнинг ўзида бошқалар ҳам иштирок этган ушбу руҳий меҳнатнинг муаллифи эканлиги ноаниқлигича қолмоқда”,⁶ дейди Зигмунд Фрейд.

Демак, ижодкор ўз ижодий манбаини миллатнинг жамоавий руҳидан олиб, унинг жамоавий ҳиссиёти олдида қанчалик қарздор эканлигини англасагина, жамиятга ўз умрини бахшида этишга қодир, яратувчанлик қудратига эга шахсга айланади.

Бундай жамоавий руҳ асосида вужудга келган, муаллифи номаълум бўлган ижод намуналари айниқса турли тадбирларда, яъни байрамлар ва маросимларда ўз аксини топади. Демак, тадбирлардаги образлар ўйини ва ижодий жараён учун жамоавий руҳият асос бўлиб хизмат қилади.

⁴Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004. 159-б.

⁵Маманов А. Шарқ оламига хос бўлган жамоавийлик туйғусининг маҳаллада намоён бўлиши. // СамДУ. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2011 № 4(68). 46 – б.

⁶Зигмунд Фрейд. Психология масс и анализ человеческого «Я». Санкт-Петербург: Азбука-классика, 2008. –с.25

Бизнингча, барча диний маросимлар учун ҳам жамоавий руҳият асос бўлади. Қадимдан одамларнинг табиат ҳодисалари олдидаги ожизлиги ва билимсизлиги турли илоҳий кучларга сиғинишни юзага келтирган. Жумладан, тотемистик(ҳайвонларни илоҳийлаштириш), анимистик(жон ва руҳ образидаги илоҳийлик), полимистик(олов, ер, сув, ҳаво унсурлари билан боғлиқ сирларга), афсунгар – магия (шаманлар, авлиёлар) билан боғлиқ сеҳрли кучларга эътиқодни кучайтирган. Шаманларнинг ҳайратланарли сўзлари ва ҳаракатлари, башоратларидаги образли ифода ҳамда тасвирлар одамларни ғайритабиий мўъжизаларга ишонтара олган. Пировардида одамлар мўъжизалар билан боғлиқ нореалликни реалликда тасвирловчи ҳаракатлар орқали, диний маросимлар талаблари асосида ва воситасида акс эттиришга уринганлар.

Натижада: қурғокчилик даврида “ёмғир сўраш” – “сув хотин”; шамол зарар келтирганда “шамолни тўхтатиш” – “чой момо”; шамол керак бўлганда эса – “шамол чақириш”; бевақт совуқ тушганда – “қуёшга сиғиниш”; омад келмаганда, офат юз берганда – “қурбонлик қилиш” каби диний маросимларни ўтказиш вужудга кела бошлаган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу каби диний маросимлар одамларнинг моддий эҳтиёжига путур етганида, яъни, табиат инжиқликлари одамларга зарар келтирган пайтларда ўтказилган. Одамлар табиат билан курашиши натижасида бундай маросимларни офатларнинг олдини олишга йўналтирилган, ўзига хос бадиийлашган шакллар ва воситаларда амалга ошира бошлаганлар. Бундай курашлар диний маросимларнинг бадиий-эстетик тамойиллари шаклланишига сабаб бўлган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, одамларнинг турмуш тарзи, ҳуқ-атвори ва ўз даврига нисбатан муносабатига қараб, уларнинг эстетик маданиятига баҳо бериш мумкин. Демак, миллатнинг байрамларига қараб, унинг маънавий ва руҳий ўзига хослигини англаш мумкин. Шунинг учун, байрамларга халқнинг маънавий ҳамда маданий даражасини белгиловчи муҳим омил деб қаралган, уларга оммавий дам олиш ва сайиллар ўтказиш куни, деган муносабат билан ёндашилган. Бундай ёндашувлар: одамларнинг бунёдкорлик салоҳиятларини; бадиий-эстетик қобилиятларини; маънавий-руҳий туйғуларини намоён қилувчи эстетик қадрият сифатида эътироф этилган.

Диалектик ривожланиш жараёнига тўхталадиган бўлсак, XX аср бошларида бутун ер юзига “жамоа руҳи”нинг яратувчилик қудрати ҳақидаги тушунчалар етакчилик қилаётгани ва бунинг натижасида жамият руҳияти таснифланиб, “омма”нинг қудрати(масса Г.Ш.) тушунчаси ижтимоий ҳаётга кириб кела бошлагани маълум бўлди.

“Омма” тушунчаси фалсафада – ижтимоий воқеликнинг маълум бир тури бўлиб, унда жамоанинг фаоллиги ва бирор-бир ғояни амалга ошириш хусусиятидан келиб чиқиб, ўз йўналишига эга бўлиш имконияти мавжудлиги маълум бўлди. Бунинг учун эса омма фаолиятини асосий йўналишини

белгилашга қодир бўлган етакчи ёки доҳий зарур. Етакчи шахсининг оммавий тадбирлар амалиётидаги аҳамияти шундан иборатки, у байрамларни тантанали нишонлашга эътибор берган ҳолда жамоанинг “фаоллик” муаммосини ҳал этишга ижодий ёндашиши керак эди.

Агарда “омма” ўз фаоллигини намойиш этмасдан, сокин томошабин бўлиб қолаверса, байрам зерикарли ва сунъий тадбирга айланиши маълум бўлди. Агар омма ўз фаол ижодий иштироки билан тадбирларни жонлантормас экан, байрамон ҳолат юзага келмасди. Демак, омманинг фаол ҳаракати ва иштироки – байрам амалиётининг негизидир. Шундай экан, агар омма ўзининг байрамон кайфиятини англамаса ва ҳис қилмаса ўзининг ижодий қудратини намоён қилиш имкониятидан маҳрум бўларди.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, “омма”, “жамоа”, “халқ” атамалари тасодифий ёки умумлаштирувчи тушунчалар эмас. Уларни “фаоллик” деган фалсафий тушунча бирлаштириб туради. Омманинг асосий хусусиятидан келиб, фаоллик – “уюшишга бўлган ишонч” ҳодисасининг намоён бўлишидир, деган хулосага келамиз.

“Фаол” сўзи арабчада – ҳаракат қилувчи, таъсирчан деган маъноларни англатади. “Фаоллик” бугун – бирор ҳаракатда, жараёнда жадаллик, жонбозлик кўрсатиш билан бирга оммага таъсирчанлик ҳиссини ўтказишдан иборат⁷. Шундай экан – “фаоллик” тушунчаси асосида омманинг ижодий қудратини аниқлаш ва уни ривожлантириш жараёнида байрамон дам олишни режалаштирадиган ташкилотчилар тадбирларда жамоанинг қувонч ва тантанаворлик кайфиятини ёритиб берувчи воситалардан фойдаланган ҳолда, ҳар бир байрамнинг ўзига хос мақсади ҳамда дастурини ишлаб чиқадилар.

Миллий байрамлардаги фаоллик ҳар бир шахсга ўзини ўзи англаш имконини беради. Ўзини ўзи англаш, фаоллик, тадбирга муносабат – байрам маданиятининг концептуал ечими ҳисобланади. Шахсининг ўзини ўзи англаши, яъни, байрам иштирокчиси “мен”ининг шаклланиши, айнан шу жараёндаги амалга ошириладиган юксак дунёқарашнинг – “энг олий намунаси” – “идеал тип”га айланади. Жамоанинг байрамон муносабатларини самарали ташкил этишда ва кўнгилдагидек ўтказишда – “идеал тип” табиатини яратиш муҳим роль ўйнайди.

“Идеал тип”нинг эстетик табиати ҳар бир байрам иштирокчисининг ўз фаол ҳатти-ҳаракатлари моҳиятини чуқур англашни талаб қилади. Демак, ҳар бир байрам иштирокчисининг бундай руҳий ҳолати ўзининг хусусий табиати намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитни яратишга имкон беради. Фақат шундай эркинлик ва яратувчанлик ҳолатдагина инсон ўзи томонидан яратилган образ қиёфасида яшайди.

⁷Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. 326-б.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосага келамиз, миллий байрамларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи санъат, муסיқа, спорт соҳаларига эътибор: инсоннинг ўзини-ўзи англаш жараёнини; ижодий эркинлигини; яратувчанлик қудратини; жамоа орасида фаоллашувини намоён қилади. Бу бевосита ҳар бир шахсни байрамнинг фаол иштирокчисига айланишига, ўз истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқаришига имкон яратиб бериши билан ёшлар тарбиясида ўзига хос аҳамиятга эгадир.

REFERENCES

1. J Ramatov, R Umarova. Theoretical and ideological sources of Beruni's philosophical views// АCADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2020. No. 11. S. 1974-1980
2. Умарова Рузигул Шералиевна Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни // Проблемы науки. 2019. №4 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovy-duhovno-nravstvennogo-vospitaniya-molodezhi-v-trudah-abu-rayhana-beruni> (дата обращения: 10.12.2022).
3. Абдукаримова Гулчехра Баратовна, Умарова Рузигул Шералиевна, Тухтабоев Элдор Абдужабборович Взгляд западных ученых на философию Авиценны (Абу Али Ибн Сина) // Научный журнал. 2019. №11 (45). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vzglyad-zapadnyh-uchenyh-na-filosofiyu-avitsenny-abu-ali-ibn-sina> (дата обращения: 10.12.2022).
4. З. Н. Бобошев, М.Н.Хасанов, & Э.А.Нуруллаев. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 108–115. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/623>
5. Ж. С. Раматов, М. Хасанов, & Лочин Азаматович Валиев (2022). АУРОБИНДО ГХОШ ҚАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 1161-1169.
6. J. S. Ramatov, M. Hasanov AL-FAROBIIY SIYOSIY DAVRAN VA IJTIMOIIY-MADANIY ANVOL // Pedagogik fanlarda akademik tadqiqotlar. 2022 yil. 6-son. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/al-farobiy-davridagi-siyosiy-va-izhtimoiy-madaniy-vaziyat> (kirish sanasi: 12.11.2022).
7. М.Н.Хасанов, А.А.Азимбаев, Халилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
8. Ж. С. Раматов, & М. Хасанов (2022). МАФКУРАВИЙ ТАХДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 952-956.

9. Ramatov, J.S., Valiev, L.A., Xasanov, M.N. XIX ASRDA HINDISTONDAGI IZHTIMOIY - FALSAFIY JARAYONLAR // ORIENSS. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hih-asrda-indistondagi-izhtimoiy-falsafiy-zharayonlar> (kirish 12/11/2022).
10. Ф. А. Кушаков, М. Н. Хасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, & С. Х. Султанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. Academic research in educational sciences, 3 (10), 803-810.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. World scientific research journal, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 376-386.
13. Hasanov, M., & Tuhtaboev, E. (2021). THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS). Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 2(05), 1-6.
14. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.
15. М.Н.Хасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>
16. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. Academic research in educational sciences, 3 (10), 582-586.
17. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 969-976.
18. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 1070-1078.

19. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
20. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
21. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
22. Рамаатов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Кушаков, Файзулла Абдуллаевич, Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МИСОЛИДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (9), 606-612.
23. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
24. Baratov, R. (2021). Prospects of Higher Education System (on the Example of Uzbekistan). *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 128-131.
25. Баратов, Р. Ў. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(ТSTU Conference 1), 90-95.
26. Baratov, R. U. (2019). INTEGRATION OF A SCIENCE, FORMATION, AND MANUFACTURE IN THE COURSE OF PROFESSIONAL TRAINING. In *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ* (pp. 51-54).